

Mahalla

14 (668)

1996 йилдан чиқа бошлаган

2009 йил 8 апрель, Чоршанба

www.mahalla.uz

mahalla.gz@rambler.ru

ISSN 2010-7013

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 апрел кунин Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Мариқан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташири билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг «Петронас» ва «Сасол» компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефть-газ захираларини биргаликда ўрганишга оид битим имзоланган эди. Айни пайтда Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устюрт платоси ва Сурхондарёгаи сармоёвий блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, тозаланган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилган завод қурилиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик қўламини нечоғли катта экани ҳақида «Петронас»нинг Ўзбекистонга киритилган сармоёси ҳамма қарийб 2 миллиард АҚШ доллари га етиши кутилаётгани яхши тасаввур беради. «Сасол» компанияси мазкур завод қурилишида қатнашадиган учинчи томон бўлиб, корхона асосан унинг технологиялари билан жиҳозланади. «Петронас» трансмиллий корпорация бўлиб, 30 мамлакатда фаолият юритади. Унинг фаолият доираси кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси иш-фаҳат геология-разведка ишларини ўтказиш ва муайян лойиҳалар учун техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқиш, айни пайтда нефть-газ соҳа-

си учун кадрлар тайёрлашда ҳам ҳамкорлик қилади.

Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси табиий газ ва кўмирдан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш технологиялари билан машғур. ЖАР ҳудудида нефть-газ конлари йўқ, лекин тошкўмирнинг катта захиралари мавжуд. Шу туфайли «Сасол» кенг қўламда кимёвий тадқиқотлар ўтказиб, нафақат синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, балки умуман кимё саноти соҳасида бой тажриба орттирган. Унинг ЖАРдаги заводларида тошкўмирдан кир ювиш воситалари, буюқлар, пардоз буюмлари, дори-дармон, кимёвий ўғитлар, катализаторлар, компакт-дисклар, кабеллар, синтетик гиламлар ҳам ишлаб чиқарилади.

«Сасол» технологиялари асосида илгари фақат автомобиллар учун синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш зарарли газни нисбатан кам ажратиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда «Петронас» ва «Сасол» билан ҳамкорликда синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилган завод қурилиши Ўзбекистоннинг нефть-газ саноти, жумладан, нефть кимёси соҳасидаги салоҳияти янада юксалишига хизмат қилади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Муҳаммад Ҳасан Мариқан ва Пэт Дэвис самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Петронас» ва «Сасол» Ўзбекистондаги сармоёвий лойиҳаларда янада кенгайроқ иштирок этишдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янги лойиҳалар ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ОЗОДЛИКНИ БАЙРОҚ, АДОЛАТНИ ШИОР ЭТИБ...



Соҳибқирон Амир Темури жаҳон тарихида буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илмфан, маданият ва маърифат ҳомийси саналади. У Мовароуннаҳрда тинчлик ўрнатди, мамлакат маъмуричилиги, халқнинг оқсойишга ҳаёт кечири-

ди. Темури ва теурирлар даврида маҳаллий халқлар давлатчилиги ривож топди, ободончилик ва маданият юқори даражага кўтарилди. Жанубда Арабистон ярим оролидан шимолда Москва князлигига қаҳар, шарқда Хитойдан, ғарб-

да Ўрта ер денгизи ва Мисрча бўлган ҳудудни ўз ичига олган Амир Темури давлати барча ижтимоий табақаларга сунган ва қонун асосида бошқариладиган салтанат эди.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > 4

МАҲАЛЛАНING СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

Маҳаллий вакиллик органларига сайловларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Маҳалла институти мамлакатимизда яқинда қарор топган янги институт эмас, балки унинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади.

Тарихдан маълумки, ўтмишда маҳалла оқсоқолига маълум ваколатлар берилиб, унинг фикри давлат бошқарувида алоҳида эътиборга олинган. Ҳозирда Республикада қонунчилиги кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат ташкилоти ҳисобланади ва давлат бошқаруви тизимига кирмайди.

Бундан 10-15 йил олдин маҳалланинг ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми бутунгидан бирмунча фарқ қиларди. Эндилликда фуқаролар йиғини

азоларининг иштирокисиз маҳалла ҳудудида бирон-бир маданий ёки сиёсий тадбирини ўтказиб бўлмади. Шу жумладан, мамлакатимиздаги йирик сиёсий жараён — сайловларни жойларда ташкил этиш ва ўтказишда ўзини ўзи бошқариш органлари катта вазифалар юклатилган. Хусусан, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзодлар кўрсатиш ваколатининг мавжудлиги, мазкур институтга яратилган имкониятларнинг ёрқин намунаси. Бундай тажриба халқроқ миқёсда камдан-кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > 2

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

МАҲСУЛОТ КЎПАЙСА, НАРХ АРЗОНЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, айниқса, қишлоқ жойларида истикомат қилувчи аҳолининг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Уйининг ёнгинасида иш бошлаган омухта ем сотиш шохобчасидан ўз қарамонига 5 бош қорамол учун ажратилган уч қоп емини ҳеч бир қийинчиликсиз олиб келган Азим Нафасов хотинига юзланди: — Ана бўларкан-ку, нархи ҳам арзон, сифати ҳам зўр,

энг муҳими шундоқки маҳалламизда сотишяпти. Энди шохобчадан ҳар ой белгиланган меъёрга омухта ем олишимиз мумкин экан. Эсингдами ўтган йилнинг қишида ем излаб сарсон бўлганларим. Бу қулайлиқни яратиб берганлар барак топшичин, илоҳим!

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиб қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлиши она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни унинг-ўсиб келаётган ёш авлод қалбига камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўрилган мазмунан теран, бадний етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавий тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги тақлифи мақуullanсин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва вилоят бошқаруви раҳбарлари ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш; кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва маҳалла мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят бошқаруви раҳбарлари ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш; кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва маҳалла мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-

саният оламига кириб келаятган истеъодли ёшлар томонидан ижро этилган, орномус, қадр-қимат, гурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги кўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазифасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 7 апрель

Бунёдкорлик

ҲУСНИБОД ЯНАДА КЎРКЛИ

Кейинги йилларда Баёлд туманида замонавий услуб ва андозларга, миллий меъморчилигимиз намуналарига уйғун ҳолда барно этилаётган маданий-мансий иншоотлар сони ортиб бораётир. Туманининг энг чекка қишлоқларида ҳам келажак авлод таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишлар тобора кўламди тус олган.

Тумандаги Ҳуснибод қишлоғида қад ростилаётган Қурайлиш ва транспорт касб-хунара коллежи биноси

қишлоқ кўрига-кўрк қўшган иморат бўлади. Ўтган йилнинг ноябрь ойида дастлабки тамайл тоши қўйилган ушбу замонавий билим маскани биносини қуришга киришган Учкўприк туманидаги 103-хўжалиқларо махсус механизациялашган қўшма колонна масъулият чекланган жамияти бунёдкорлари Ҳуснибодлик ёшларга уни жорий йилнинг ноябрь ойида топширишга ваъда қилишган. Таъкидлаш жоизки, Ваҳобжон Давронов раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар комплекс

усулда ташкил этилгани боис, қурилиш тезкорлик билан давом этмоқда.

Жамият иш юритувчиси Адхамжон Мадаминовнинг айтишича, қад ростилаётган янги касб-хунара коллежи 4 гектар майдонни ўз ҳудудида қамраб олган. Жами 825 ўқувчига мўлжалланган билим даргоҳида ёшларнинг пухта билим олишлари ва танлаган касб йўналишлари бўйича етарлича кўникмага эга бўлишлари учун барча қулайлиқлар яратиб берилди. 50 уринли ётоқхона, очик

ҳамда ёпиқ турдаги спорт иншоотлари, шунингдек, кенг ва ёруғ, замонавий компьютер-лингфон жамламалари, барча керакли ускуналар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари ёшлар ихтиёрида бўлади.

Ушбу эзгу мақсадлар учун 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Шу кунгача ана шу маблағнинг 50 фоизини миқдориди қуриш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Алжон МИРЗАБОВ, «Mahalla» мухбири.

Республикамиз маҳаллаларида

СЕМИНАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

«Маҳалла» жамғармасининг Бухоро тумани бўлинидаги ташаббус билан худуддаги фуқаролар йиғинлари масъул котиблари ва посбонлар сардорларининг иш самардорлигини ошириш мақсадида амалий ўқув-семинар ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ва туман ИИБ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ўқув-семинарда ўқилган «Маҳалла фуқаролари йиғинлари тизимига режали ва ташкилий ишларни амалга ошириш услублари», «Йиғин масъул котиблари ва посбонларнинг вазифалари ҳамда уларнинг ишини тўғри ташкил этиш омиллари» каби мавзулардаги маърузалар иштирокчилар томонидан қизгин муҳокама этилди.

Ҳамрози АЛИ

МОТОАРАВАЧАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Гулистон шаҳридаги Фарҳод маҳалласи ҳудудида «PANA» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди.

Хитойлик ишбилармон Шин Луанг ва Ўзбекистонлик сармоядор Аҳром Мутаев маблаг ҳисобига ишга туширилган бу қўшма корхона оммабоп, тезорав мототаравачалар ишлаб чиқаришини бошлади. Ушбу маҳсулотларга нафақат мамлакатимизда, балки хориж-

да ҳам талаб катталиги яққол сезилмоқда. Бундан ташқари, қўшма корхона 35 нафар кишини иш билан таъминлади.

Корхона йилга 3 мингта мототаравача ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирга қадар «Муни» мототаравачаларига Украинадан 1200 та, Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан 600 та буюртма олинди, шартномалар имзоланган.

Тошўлат ҲАЙИТБОВ, «Mahalla» мухбири.

Полвонлар Термизда беллашадилар

Шу йил 11-12 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича IX халқаро турнир бўлиб ўтади.



Турнирни ўтказишдан қўланган мақсад, мамлакатимиз ва дунё миқёсида курашни янада ривожлантириш, буюк аллома Ҳаким ат-Термизий хотирасини абадийлаштириш ва халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон кураш мил-

лий федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, мусобақаларда Япония, АҚШ, Буюк Британия, Ливан, Нигерия, Россия каби қатор мамлакатлардан полвонлар иштирок этиши кутуляпти.

Баҳслар Термиз шаҳридаги замонавий услубда таъмирланган «Алпомиш»

мажмуасида бўлиб ўтади. Бу ерда мусобақага тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Беллашувларда мамлакатимиз шарафини Абдулла Тангриев, Ўткир Салимов, Ўткир Қурбонов каби полвонлар ҳимоя қилишди.

Аслидин БОЗОРОВ

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Қарши туманидаги «Норму-мин бобо» фермер хўжалиги аъзолари жорий деҳқончилик йилида 50 гектар майдонга «Бухоро — 102» навли чигит қаллади. Сифатли ҳайдалган ва маҳаллий ўғитларга тўйинтирилган майдонларда чигит бир текис униб чиқди. Бу — ҳосил эртаки ва мўл бўлишидан далолат.

— Ота-боболаримиз, уста деҳқонлар ҳаммаша уруғни ерда нам қочмасдан, оби-тобида экишга катта эътибор берганлар, биз ҳам шунга амал қилдик, — дейди фермер хўжалиги раиси Панжи Гелдиев. Фермер даласида 44 гектар гапла майсалари баравж ўсяпти. 132 бош қорамол, 200 дан зиёд парранда парваришланмоқда. Бундан ташқари, 6,2 гектар майдонда ҳавза ташкил қилинибди. 5 гектар майдонда Голландиядан келтирилган «Айкидо» навли қовун ва бошқа полиз маҳсулотлари, 3 гектар майдонда सबзавот ҳам етиштириляпти.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛАНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

маҳаллий вакиллик органларига сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

[1] >

Шу ўринда, сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизга киритилган баъзи қўшимча ва ўзгаришлар ҳусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан номзодлар кўрсатиш қонунчилигимиздан чиқариб ташланди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганда бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганда тугалланади. Шу вақт мобайнида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга вақт қолмади. Агар сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг тегишли тартибда белгиланган йилгилишларида кўрсатилади. Депутатликка номзодлар танлаш тар-

тибини сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақил равишда белгилайди.

Этиборли жиҳати шундаки, фуқаролар йиғинлари шахслари у ёки бу партияга мансуб ёхуд мансуб эмаслигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Айтиш жоизки, сиёсий партиялардан шаҳар ва туман Кенгашиларига камда 3-5 нафар депутат сайланган бўлса, партия гуруҳларини тузиш ваколатига эга бўлади. Бироқ маҳаллалардан сайланган депутатларнинг депутатлик гуруҳларини тузиш тўғрисида қонунчиликда аниқ кўрсатма мавжуд эмас.

Жорий йил декабрь ойида бўлаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашиларига сайловларда биргина Тошкент шаҳар Кенгашига 474 та ўзини ўзи бошқариш органлари 60 нафар номзод кўрсатиши мумкин. Яъни, ўртача 6-8 та маҳалла биттадан ном-

зод кўрсатиши лозим бўлади. Сайловни ташкил этиш ва номзодлар кўрсатишда куйидаги усулларнинг бирдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, маълум бир сайлов округида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органлари ўзaro кенгашиб, битта номзод кўрсатиши мумкин. Бунда ҳар бир сайлов округида жойлашган маҳаллалар, бошқа округдаги маҳаллалар билан алоҳида сайлов кампанясини олиб боради. Мазкур усул амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда.

Шунингдек, сайловда ўзини ўзи бошқариш органларидан номзодлар кўрсатишни самарали ташкил қилиш мақсадида туман (шаҳар) миқёсда фуқаролар йиғинлари раисларидан иборат номзодлар кўрсатувчи комиссиясини тузиш мумкин. Шу йўсинда умумий дастур қабул қилиниб, тарғибот-ташвиқот ишларини уюшган ҳолда йўлга қўйиш самарадорлигини оширибгина қолмай, балки сайловлардан кейин ҳам

шаҳар Кенгашига сайланган вакилларнинг муайян мақсадларни қўзғалаган ҳолда фаолият олиб боришига замин яратилади.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари бирон-бир сиёсий партия билан биргаликда шу партия вакилини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи орқали номзод сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бунинг натижасида сиёсий партиялар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни бартафоз этиш имконияти яратилади.

Оқоридида учта усулнинг қай бирдан фойдаланиш лозимлигини фуқаролар йиғинларининг ўзлари мустақил белгилайди. Умуман олганда, ҳар уч қўриқнинг ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлари мавжуд ва мазкур ҳусусиятлар бўлажак сайловларда янада ёрқинроқ намоён бўлиши кутилмоқда.

Даврон БЕКЧАНОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими.

Танлов голиби

МАЪНАВИЯТДА ТАРҒИБОТЧИ, МУРУВВАТДА ЕТАКЧИ

«Маҳалла» жамғармаси Қашқадарь вилояти бўлимининг Ойла ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассиси Гулчехра Бобожонованинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, халқимизнинг урф-одатлари, миллий қадриятларини фуқаролар онига синдириш борасидаги хизматлари бесамав кетмади. У «2008 йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг республика босқичи голиби деб топилди.

Гулчехра опа фуқаролар йиғинидаги фаолиятини дастлаб Қарши шаҳар «Ороловул» маҳалла фуқаролар йиғинида тарбиячи-педагогикдан бошлаган эди. Кейинчалик «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг маъсул котиби, раис ўринбосари, 2008 йилдан эътиборан эса жамғарма-нинг Ойла ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассиси лавозимида иш олиб бормоқда.



«Маҳалла» жамғармаси республика босқичида вилоятнинг энг тасвирчан қуроли», «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва диний ақидаларга-стликнинг олдини олиш» мавзуларида суҳбат ва учрашувлар ўтказиш орқали миллий қадриятлар моҳиятини ёшлар онгига синдириш, турли голий ва ахборот хуружларининг салбий оқибатларини бартафоз этишга интилоқда.

Гулчехра опа оилада меҳрибон она, етти неваранинг суюкли бувиси. Турмуш ўртоғи Сабриддин Абдуллоев кўп йиллар давомида вилоят кишлоқ ҳўжалигида чорвачиликни ривожлантириш борасида меҳнат қилиб келган. Ҳозир қарилк таштини сурмоқда. Уч нафар фарзанди олий маълумотли, турли соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар.

«Маҳалла» жамғармаси республика босқичида вилоятнинг энг тасвирчан қуроли», «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва диний ақидаларга-стликнинг олдини олиш» мавзуларида суҳбат ва учрашувлар ўтказиш орқали миллий қадриятлар моҳиятини ёшлар онгига синдириш, турли голий ва ахборот хуружларининг салбий оқибатларини бартафоз этишга интилоқда.

Моҳичехра ЛАТИПОВА, «Mahalla» мухбири.

Карор ва ижро

МАҲСУЛОТ КЎПАЙСА, НАРҲ АРЗОНЛАШАДИ

[1] >

— Сипирларнинг сутига ҳам барака қиради. Насиб қилса, рўзгорнинг кам-қўсти сут, қатқилан келадиган даромадимиз ҳисобидан битиди, — дея Азим акани маъқуллади ағли.

Ҳа, утган давр мобайнида мазкур ҳўжат асосида ҳар бир вилоят ва туманларда омухта ем, шрот, шелуха сотишга ихтисослашган бирлашма ҳамда жамиятлар, кишлоқ ва маҳаллаларда эса уларнинг шохобчалари ташкил этилиб, аҳоли ва фермер ҳўжалиқларига арзон нархларда чорва моллари учун озуқа етказиб бериш йўлга қўйилди.

Бу борда Бўжоро вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳар ва туманларда 11 та омихта ем сотиш бирлашмалари, улар қошида 87 та шохобча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу ҳисобдан 220 та янги иш ўрни яратилди.

— Айни пайтда Товар хомашё биржаси савдолари орқали амалдаги тартиблар асосида шрот, шелуха ва омухта ем маҳсулотлари сотиб олинмоқда. Бирлашмаимиз фаолияти-

дейди вилоят бирлашмаси раиси Раҳматилло Иноятов.

Таъкидлаш жоизки, юқоридида қайд этилган қарор ижросини таъминлаш мақсадида ёғ-мой ва донни қайта ишлаш корхоналаридан олинган маҳсулотларни нафақат аҳолига ўз вақтида етказиб бериш, балки тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда унинг сифатини назорат қилиш ҳам йўлга қўйилди. Жойларда ташкил этилган шохобчалар зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Туман бирлашмаларида ишонч телефонлари ишлаб турибди. Маҳсулотлар аҳолига нақд пулга, чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига эса пул ўтказиш орқали сотилмоқда.

Ғиждувон тумани аҳоли эҳтиёжларини қандидаган ҳудуд ҳисобланади. Фуқароларнинг деярли барчаси ўз томорқасида қорамол парвариш қилади. Туман ҳудудида 78449 бош қорамол мавжуд. Аҳоли ва фермер ҳўжалиқлари ихтиёридаги чорва моллари учун бир ойда 648,4 тонна шрот, 298,8 тонна шелуха ва 248,8 тонна омухта ем етказиб беришмоқда.

— Бозорларимизда гўшт, сут



Миробод туманидаги «Темирйўлчилар» маҳалласи пойтахтимиздаги кўркам ва обод масканлардан биридир. Бугунги кунда фуқаролар йиғинида 2780 нафар аҳоли истиқомат қилаёттир. Шу билан бирга, ҳудудда турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда маҳалланинг гуллаб-яшнаши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Кўкгумбаз — аждодлардан мерос

Самарқанд шаҳрининг кичик қорамол томонидаги тепалиқлардан бир пайтлар Соҳибқирон Амир Темури ўз салтанатини ҳимоя қилишда фойдаланган. Улуғ Амир бу жойлардаги кўрғонларда гўмбазли бинолар, кўрқ-аслаҳа оморлари қурдирган.

Самарқандлик тарихчи олим Мухтор Пардаевнинг таъкидлашича, ҳозирги Галларол туманига қарашли ҳудудларнинг ўзида Соҳибқирон бобомиз 22 та кўрғон бунёд этган экан. Бу кўрғонлардаги бинолар гўмбазли ва кўрқли бўлиб, уларнинг асослари қўрғонларда ювилиб, қўш нурида ниҳий-қўк рангда жилоланган. Ҳозир бу кўрғонлар, гўмбазли иморатларнинг айримлари сақланиб қолган. Шуларнинг бири Кўкгумбаз кўрғонидир.

Қарийб етти асрлик тарихга эга бўлган бу жойда ҳозир катта кишлоқ бор. Унда 1,5 мингдан ошмироқ аҳоли истиқомат қилади. Кишлоқ аҳли Соҳибқирон бобомизни эъзозлаб, унинг номи билан боғлиқ осори-атиқаларга алоҳида ҳурмат билан қарайди. Бир пайтлар гўмбазли бино ўрнидан гишт синиқлари, ноҳир ашёлар топилган эди. Мактаб ўқувчилари бу гишларнинг тарих намунаси сифатида мактаб музейига қўйишди.

Кўкгумбаз кишлоғи мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб. Юртбошимиз ташаббуси билан шу ҳудуддаги Катта ўзбек трактининг маълум қисми тамомилда қайтадан бунёд этилди. Узоқ йиллар битмай ётган тоғлар орасидаги йўл қурилиб, фойдала-

нишга топширилди. Сангзор дарёсининг соҳилларини бирлаштирувчи кўприк кенгайтирилди. Йўл патруль хизмати шохобчаси қад ростлади. Йўловчиларга хизмат кўрсатилган бир қанча савдо дўкнорлари ишлаб турибди. Муъахизина бозорча, иссиқхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатилган шохобчалар кишлоқ аҳлига қўшимча қулайлик яратди. Бу ерда кишлоқ врачлик пункти, ўрта мактаб фаолият кўрсатмоқда. Кишлоқдошлар мустақиллик шарофати билан замонага мос тўю томошалар қилмоқдалар.

Президентимизнинг бу йилни Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилганлиги барча қатори кўкгумбазликларнинг ҳам кўнча кўч, ғайратига ғайрат қўшиди. Улар ўз оиласини, маҳалласини янада обод ва кўркам, фаровон қилиш учун айни дамларда ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишган. Қўча ва йўлларни тозалаш, ерларни экишга тайёрлаш ишлари қизғин кетаёттир.

Кўкгумбаз — Соҳибқирон бобомиздан авлодларга қолган тарихий обиди. Буюк аждодлардан қолган меросга содиқ бўлиш кишлоқ фуқароларининг эзгу мақсади.

Пардаёи ТОҶИБОВ

ЙИГИНЛАР ЖИҲОЗЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармаси республика босқичида Раёсатининг ўтган йил декабры ойидаги қарори қўрғонлар идоралари қайта жиҳозланди, замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Андижон вилоятида ҳам бу борда аниқ дастур ишлаб чиқилди. Шу асосда фуқаролар йиғинларини янги бинолар, замонавий техника воситалари билан таъминлаш ишлари жадал олиб боришмоқда.

— Маҳаллаларнинг компьютер билан таъминланганлик даражаси анча паст эди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Икромиддин Валиев. — Шу йилнинг бошидан бери бўлим мабурлаб ҳисобидан 43 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси билан таъминланди. Яқин кунларда яна 26 та йиғин шундай ҳаёдан баҳраманд бўлади.

Бугунги кунда 20 дан ортиқ маҳалла фуқаролар

йиғинларида ҳомийлар томонидан совға қилинган замонавий техника воситаларидан фойдаланилмоқда. Улар ташаббуси билан тез орада яна шунча йиғин компьютер жамланмаси олиши кутилмоқда.

Пахтаобод тумани ҳокимлигининг ёрдами билан 72 та фуқаролар йиғинлари идораси уй меъбелари жиҳозлари тайёрлашга буюртма берилди. Яқин кунларда тумандаги барча ўзини ўзи бошқариш органлари замонавий меъбел жиҳозлари

билан таъминланади. Ёки бўлмаса, Кўрғонтепа туманидаги «Савай» кишлоқ фуқаролар йиғинини оилалик йиғин раиси Дилбархон Аҳмедованинг жонбозлиги билан 8 та маҳалланинг ҳаммаси ҳомийлар ҳисобидан компьютер жамланмаси билан таъминланган. Бу, албатта, улар фаолиятида самарадорлигини ошириш билан бирга иш сифатини ҳам яхшилашга хизмат қилади.

Узоқбой САҚСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

Огоҳлик

ОСОЙИШТА ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Пештоқиға «Миробод тумани Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 122-сонли милиция таянч пункти» деб ёзилган биного кириб борганимизда бизни туман ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи вазиғасини бажарувчи Жалолиддин Мирзаев ҳамда профилактика катта инспектори Аллаёр Джумаев қаршилади.



Улар билан ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли осойишталигини сақлаш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашиб турганимизда, хонага Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг бир гуруҳ ҳодимлари кириб келиши. Алқисса, йиғин раиси Гулбаҳор Ҳасанова, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сафара Мирзаахмедова, хотин-қизлар комиссияси раиси Сония Муталова ҳамда «Маҳалла посбони» жамғармаси сардори Асқар Маннопов ўтказилди қўзда тутилган профилактика тадбир режасини муҳокама қилишга йиғилишган экан.

Кайт этиш жоизки, милиция таянч пункти ҳар жиҳатдан шинам, барча қулайликларга эга бинода жойлашган. Айниқса, фуқароларни қабул қилишга мўлжалланган хона кўрғазмили плакатлар, ташвиқот ва тарғибот лавҳалари, меъбел, компьютер, шунингдек, замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган. Шу билан бирга, тегишли ҳўжатлар намуналари, одам савдоси ва

унинг аянчли оқибатлари акс этган суратли лавҳалар, яраштирув комиссияси тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг ўз ишига маъсулият билан ёндашганлигини дарак беради.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш асосий вазифаларимиздан, — дея сўз бошлади милиция капитани А.Джумаев. — Албатта, бу борда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик жуда қўл келаеттир. Гап шундаки, ишлаб чиқилган «Антитеррор-тозалаш», «Турмуш», «Усмир», «Хонадон» каби талбирларда маҳалла фаоллари ҳамда бошқа тегишли идоралар билан ҳамжиҳатлигимиз ижобий самарасини бераёттир. Мисол учун, «Хонадон» талбирини амалга ошириш баробарида жорий йилнинг ўтган уч ойида вақтинча яшаш жойи қайт этилмаган 40 дан зиёд фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Айни пайтда ҳудудимиздаги 39 та кўп қаватли уйларда 6190 нафар фуқаро истиқомат қилади. Бундан ташқари, битта мактаб ва болалар боғчаси, унинг аянчли оқибатлари акс этган суратли лавҳалар, яраштирув комиссияси тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг ўз ишига маъсулият билан ёндашганлигини дарак беради.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш асосий вазифаларимиздан, — дея сўз бошлади милиция капитани А.Джумаев. — Албатта, бу борда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик жуда қўл келаеттир. Гап шундаки, ишлаб чиқилган «Антитеррор-тозалаш», «Турмуш», «Усмир», «Хонадон» каби талбирларда маҳалла фаоллари ҳамда бошқа тегишли идоралар билан ҳамжиҳатлигимиз ижобий самарасини бераёттир. Мисол учун, «Хонадон» талбирини амалга ошириш баробарида жорий йилнинг ўтган уч ойида вақтинча яшаш жойи қайт этилмаган 40 дан зиёд фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Савдодим ҲАЙДАРОВ, «Mahalla» мухбири. СУРАТДА: Миробод тумани 122-сонли милиция таянч пункти фаолиятида лавҳа. Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик иллатининг олдини олишга қаратилган катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.

УМР ЗАВОЛИ

риш корхоналарида бўлиб, аҳоли билан бу муаммо ҳақида суҳбатлар уюштирилмоқдалар.

Шунга қарамай, ҳаётда нафс ботқоғига ботиб, гиёҳвандлик кўчасига қираётганлар учраб туради.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ошгани ташкил этилган ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳаётда ўз йўлини топиб улурмаган айрим ёшлар гараз ноияти қисмсаларнинг алдовига учиб, тўғри йўлдан адашишади.

Гиёҳвандлик кўчасига кирган инсон учун орқата қайтиш им-

кониятлари ниҳоятда кам эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Демак, гиёҳвандлик жамият ва давлатнинг энг катта бойлиги — инсон ресурсига зийн етказиши билан ҳам хавфлидир. Шундай экан, XXI аср вабосининг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак. Зотан, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда умуминсоний олдиди энг долзарб вазифа саналади. Ушбу офатнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва экспертиза муассасаларида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳам бугунги

кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бутун шу турдаги жиноятларни фош этишдек масъулиятли вазифани бажаришда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмисаси, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан бир қаторда суд ҳокимиятининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Судлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ қўрилган ишлар бўйича тегишли тартибда ҳусусий ахримлар чиқарилмоқда, талбирлар белгиланган жойларда аҳоли ўртасида муҳокама қилинмоқда. Инсон умрининг заволи бўлиши бу иллатнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини унутмайлик.

Х.ХИНИЕВ, ҳуқуқшунос.

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

ОЗОДЛИКНИ БАЙРОҚ, АДОЛАТНИ ШИОР ЭТИБ...

«Салтанатим биносини, — деб ёзган эди у «Тузуқлари»да, — дини ислом, тура ва тузук асосида мустақамладим. Салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай ишни тузук бинон қилдим». Соҳибқирон мамлакатда қонун устуворлигини таъминлади. Унинг замонида ҳамма — вазир ҳам, оддий фуқаро ҳам, ҳатто юқори мартабали амирлар ва шаҳзодалар ҳам қонун олдида тенг бўлган. Ҳар ким хизматига яраша тақдирланган ва қилмишига яраша жазоланган.

Манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон марказлашган ягона давлат бошқарувини барпо этган замонда ҳам ҳудудларда, яъни маҳаллаларда жамоа оқсоқоли (каҳдуло) сайланган ва унга катта ишонч билдирилган: «Кадхулолар деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчиларнинг кунглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Фақир мискин, бирор касб қилишга оқиб — кўрларга нафақа белгиласинлар», деб ёзган эди буюк бобомиз ўз «Тузуқлари»да.

Соҳибқирон Туронзаминнинг мудофаа кудрати ва ижтимоий-сиёсий салохиятини оширишда тенгсиз хизмат қилди. У яхши қуролланган, турли ҳарбий машқларда чинққан кучли армияга асос солди. Унинг ҳарбий маҳорати кўпгина илмий, тарихий асарларда тадқиқ этилиб, юксак баҳоланган.

Амир Темур даврида мамлакатда илоҳий, фиқҳ, риёзат, фалакит, тиббиёт, фалсафа, тарих, адабиёт, мушқашунослик ва аруз илмлари ривож топди. Буюк Соҳибқирон ва у яратган давлат мўъжиза илмлари натижасида таназзулга юз тутётган, топталган қадимий турмуш тарзини, яъни тўла ўтроқ ҳаётга, деҳқончиликка, хунардчи-

ликка, илму фанга асосланган цивилизацияни қайта тиклади ва Мовароуннаҳрни иқтисодий ҳамда маданий бўҳронлардан сақлаб қолди.

Ҳаётнинг мазмунини миллатнинг дардида дармон бўлишда, деб билган Соҳибқирон бобомиз, ўнлаб жаҳонгирлардан фарқи ўлароқ, буюқмоқни эмас, балки ҳаммиса курмоқни ўйлаган. Ҳазратнинг: «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн кўчаг эктирдим», деган сўзлари бунинг исботидир.

Соҳибқироннинг фикрича, давлат, энг аввало, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиши, қонун-қошлар ва адолат билан қатъий тартибда бошқарилиши керак. Салтанатни бошқаришда 12 тамойилга асосланган лозимлигини таъкидлаган эди, Амир Темур тўққизинчи тамойилда: «Рияят аҳволдан огоҳ бўлдим, улугларни оға ўрнида, кичикларни фарзанд қаторида кўрдим», деб баён қилди «Тузуқлари»да. Алолат кучда эмас, куч адолатда, деб билган улуг Темур салохияти шунинг учун ҳам халқимиз буюқлигининг тисмоли, маънавий куч-қудратимиз рамзи сифатида асрлар оша яшамоқда.

Буюк бобомиз озодликни байроқ, адолатни шиор этган улуг давлат арбоби бўлган. Ҳатто вафот этган чоғда ҳам авлодларга: «Адолат, озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин», дея тайинлаган. Унинг бутун ҳаёти, сиёсати, мафкураси озодлик ва ватанпарварлик ғоялари билан суғуртиландир. Улуг Соҳибқирон ҳеч қачон куч ишлатиш тарафдори бўлмаган. «Сийёсат билан мақсадга эришиш мумкин бўлган жойда қурол билан ҳаракат қилиш нотўғирдир», деган эди у.

Шуни ҳам қайд этиш ло-

зимки, бобомиз она юртни ташқи зулм ва таъвозулардан тамомила озод қилганидан сўнг, хавфсизликни таъмин этиш учун умрининг 45 йилини от устида жангу жадалларда ўтказди. Шу боис ҳам, инсонлар тасаввурига Амир Темур сиймоси жаҳонгир лашкарбоши сифатида мангу ўрнашиб қолган. Ҳарбий салохияти, жангларида галаба ва зафарлари, марказлашган буюқ давлат ва салтанатни барпо этганлиги туфайли унинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори жуда баланд.

Мустақам маънавият қонун-қоидаларига асосланган сиёсатнинг истиқболли порлоқ Амир Темур салтанатининг мисли қўрилмаган равнақи, жаҳоншумул обрўси асосини давлатда қарор топган ва эътироф этилган юксак маънавият ташкил этди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президент Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде таъкидлаганидек, «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этди.

Амир Темур нафақат буюқ саркарда ва давлат арбоби, балки олийжаноб инсоний фазилатлар соҳиб ҳам бўлган. Буюқ инсоний фазилатларга эга бўлмасдан, ҳеч бир шахс улуг ишларини амалга ошира олмаслигини ахши англаб, қалбдан ҳис этган Соҳибқирон бобомиз: «...ҳар қайсарининг (султонларнинг) йўл-йўриқлари, туриш-туришлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирам-да сақладим ва яхши ахлоқларни, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим», деб ёзган эди «Тузуқлари»да.

Амир Темур амал қилган беғаразлик, ўзаро ҳурмат, адолатпарварлик, раҳмдиллик каби фазилатлар унинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлан-

ган. У дарвеш, фақир ва мискин кимсаларни ўзига яқин олган, уларнинг дилларини оғритмаган, талаблари ва сўровларини ниҳоясига етказган. «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим... Халойиққа раҳм қилдим, барчага наф етказдим, бунда бировага ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўраганидан итармадим», деб ёзди у.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мамлакатнинг, жамиятнинг тараққиёти илм-маърифатнинг ривожига боғлиқ. Буну чуқур англаган Амир Темур ҳокимиятга келиши билан чикарган дастлабки фармонлари мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш масалаларига бағишланган эди.

Амир Темур давлатлараро муаммоларнинг 90 фоизини маслаҳат бериш, музокаралар олиб бориш, 10 фоизинигина эса ҳарбий воситаларни қўллаш йўли билан ҳал этган. У теран ақл-фаросат, зийраклик билан чуқур ўйлаб иш олиб борган, давлатларнинг ўзаро қўшничилик алоқаларига катта аҳамият бериб, дўсту ҳамкорликсиз истиқбол йўқлигини таъкидлаган. Европа билан Осёниё болашга алоҳида эътибор берган, Франция, Англия, Италия, Испания каби йурик давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Буюк шахсларнинг тарих яратди, дейди алоломлар. Миллатнинг шон-шавкатини кўтариш, уни миллат сифатида дунёга танитиш маъсулияти қарийб етти аср бурун буюк Соҳибқирон Амир Темур зиммасига тушган. Ҳазрат бобоконанимиз асос солган миллий давлатчилик таянчи, миллий бошқарув аъёнлари бугун замонавийлашиб юртимизга қайтди.

Амир Темур даҳоси халқимиз маънавиятининг тисмоли сифатида мангу барқарордир.

Шавкат ЁҚУБОВ

2001 йилнинг кўклами. Киевда «XXI аср санъати» бутунжаҳон пианиночилари танлови ўтказилляпти. Саҳнада ўн беш ёшли қорақалпоқ қизи берилиб фортепьяно чалмоқда. Томошабинлар унинг ихросидаги «Тановар» куйини сел бўлиб тинглашляпти. Куй ниҳоясига етганида ҳамма оёққа қалқиб, ижрочини узок олқишляди.

Оҳангларга ошуфта қалб

— Ўша лаҳзалар бир умр ёдимдан чиқмайди, — дейди Элеонора Котлибулатова. — Замонавий асбобда миллий куйимизни ижро этиб, хато қилмаган эканман. Фортепьянода «Тановар»ни чалаётганимда тингловчиларнинг кўзларини юмиб ўтиришгани сабаби кейин маълум бўлди. Гап шундаки, меннинг фортепьянода чалаётганимни кўрмаган одам, куй бўлмайди бошқа асбобда ижро этилти, деб тасаввур қилиши мумкин экан. Буну танлов ҳайъати аъзолари ҳам ўзига ҳис услуб сифатида эътироф этишди.

Миллий куйини фортепьянода маҳорат билан ижро этган Элеонора ўша йили танловнинг гран-при мукофотига лойиқ топилди. Аслида, беш ёшдан қўлига соз олиб, унинг сеҳрини юракдан ҳис қила олган қаҳрамонимиз учун биринчи ютуқ эмасди. Латвия, Украина, Қозғоғистон, Россия, Франция, Руминия каби ўнлаб мамлакатларда ўтган пианиночилар танловларида Элеонора фақат юқори натижаларга эришди. Ютуқлари сабаб санъат усталари назарига тушди. Е.Рихтер, В.Мидаянц (Россия), Л.Наточенний, Питер Айхер (Германия), Н.Шнитковская (АҚШ), А.Семетский (Япония), И.Лазко (Франция) сингари мушқачилардан сабоқ олиб, жаҳон мусика санъати оид билмиларини мустақамладди.

— Мусиқани мўъжизага тенглаштириш мумкин, — дейди санъаткор қиз. — Дунёнинг қайси бурчагига борманг, қандай одамлар билан учрашманг, куй орқали уларни сўзсиз ҳам тушунасиз ва айни пайтда ўзингизнинг қалб истакларингиз, ўй-хаёлларингизни баён қила оласиз. Жаҳон саҳнасида юртингиз номи жарангашини, энг номдор мушқачиларнинг ўзбек санъатига берган юксак баҳосини эшитиш катта бахт. Фортепьяно чалаётганимда бетақор бир оламда яшаётгандек ҳис этман ўзимни. Шу боисданлар, кунига 7-8 соатлаб фортепьяно олдида ўтирсам ҳам чарчамайман.

Элеонора ютуқларига мусиқани жон-дилидан севган, ёшларга мусиқадан сабоқ бериб қалаётган онаси сабабчилигини таъкидляди. Услуб, ритм илғаш, тинглаш иқдорини юқориликни сезган она ёш ниҳолни авайлаб парварилляди. Ўн ёшдаёқ уни Ўзбекистон Дав-

лат консерваториясининг профессори Марат Гумаров хузурига олиб келди ва Элеонора устозининг энг ёш шогирдлари қаторида мусика назариясидан сабоқ ола бошляди.

— Эсимда, 2004 йилнинг апрелида Францияда ўтган танловда қизик ҳолат рўй берган, — дейди Элеонора. — Ушанда Рубинштейн номидаги VII санъаткорлар тенгсиз истеълоди бўла туриб, санъатини юзга чикара олманг. Мен эса саккиз ёшданлар жаҳон саҳнасига чиқдим, йигирмага тўлмай туриб, Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган нуфузли мукофот билан тақдирландим. Қўллаб хориж давлатларида бўлдим, жаҳон таниган обрўли санъаткорлар назарига тушдим. Энг мукамал шароитлар мўъжай қилинган Ўзбекистон Давлат консерваториясидек ўқув даргоҳида таълим оляман. Шу билан бирга, юртимиз ёшларини ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватляётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг қўллаб хайрия концертлари ва ташбирларида қатнашляман. Жамғарма кўмаги билан мамлакатимиз вилоятлари ва хориж сафарларида бордим, санъатсевар мухлислар олқишини олишга муваффақ бўлдим. Шуларни ўйларканман, орзуларим билан бирга, ўзимга ишончим ҳам ортиб бормоқда. Эгу ниҳайти, ёш авлод камолдини, истиқболдини кўзловчи юрда туғилганман гурурланиб яшамоқдаман.

Мушиқани жон дилидан севган, тинмай ўзляниб, бор иқтидорини намоён этган Элеонора 2005 йили «Ниҳол» мукофотида сазовор бўлди.

Моҳирур ИНОФОВОВА

СОҲИБҚИРОН ВОРИСЛАРИ

Ҳоразм вилоятининг Питнак қишлоғидаги 8-ўрта таълим мактабида Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги муносабати билан «Соҳибқирон ворислари», деб номланган тадбир ўтказилди.

Кечалда бобоконанимизнинг фаолияти ва «Темур тузуқлари» асарини борасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Шу билан бирга, ўқувчилар «Савол сиздан, жавоб биздан» викторинаси ҳамда тош кўтариш бўйича беллашилди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бундай тадбирлар ёшларимизнинг Ватан олдидаги бурчаларини теран ҳис этишда, тарих ва миллий қадриятларимизни чуқурроқ англашда муҳим омил саналляди, — дейди «Саллар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озода Ниёздуриева.

Юлдуз ҲОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.

Яшилликка буркансин олам

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очиқ акциядорлик жамиятида 350 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатляди. Жамоа тасарруфидаги 229 гектардан зиёд фойдаланиладиган майдонларда манзарали дарахт ниҳоллари, бир ва кўп йил ўсадиган анвоий гул кўчатлари етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Жумладан, салкам 28 гектар очиқ ерда парвариллянаётган астра, шойингиз, хризантема, дола, нарцис, гладийолис навли гуллар кўча юзлари, хиёбонлар ҳамда хонадонларга кўрк-тароват бахш этаётди.

Корхона мутасаддиларининг маълум қилишича, йилнинг дастлабки чорагида истеъмолчиларга 2 миллион 468 минг дондан зиёд манзарали ва мевали дарахт ҳамда гул кўчатлари етказиб берилди.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.




«НАВРЎЗ» ДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Қарши шаҳридаги «Наврўз» маҳалласи аҳолиси бу йилги Наврўзни қўшалок байрам сифатида нишонляди. Боиси, маҳалла бундан 25 йил илгари худди шу пайтда «Ҳарамжўй», «Бузуққобод», «Чармгар», «Кизил масжид» маҳаллалари асосида ташкил этилган эди.

Шу давр ичида маҳалла ҳам буйига, ҳам энига кенгайди. Барча имкониятларга эга бўлган гузар қад кўтарди, боғ яратилди. Маҳаллада айни пайтда 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётди.

Исми жасмига монанд «Наврўз» маҳалласи аҳолиси бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, оқибати билан ажралиб туради. Ака-ука Ўткиржон, Халилжон, Баҳромжон Шевелар, Асқар Ражабов, Жасур Файзиев, Усмон Хушвақтов, Қожилов Имомов сингари саҳий талбиркорлар маҳалладаги кам таъминланган оилалар, уруш қатнашчилари ва ёлғиз қариларни доимо ижтимоий қўллаб-қувватлаб, эл дуосини оляпти.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.



УЛАР ФУТБОЛ ҲАММАЙДИ

Машҳур мураббийга савол беришибди: — Сизнингча яхши футболчи қандай сифатларга эга бўлиши лозим? — Яхши ўйинчи тартибли, юксак интизомли, рақибларига адолатли, ҳакамларга қўлоқ соладиган ва мураббийнинг буйруқларини сўзсиз бажарадиган, бўлиши керак. Афсуски, бунақанги ўйинчилар жуда ҳам кам-да.

— Адашасиз, жаноб мураббий, бунақанги ўйинчилар истаганча топилляди, фақат уларнинг битта камчилиги бор: футбол ўйнашни билмайди.

ЖАНЖАЛГА АРЗИМАЙДИ

Икки жарроҳ ҳушсиз ётган беморнинг олдида туриб маслаҳатлашмоқда: — Ҳа, аҳвол чатоқ, чап оёғини қасб тошляшимиз-

га тўғри келляди. — Иккаласини ҳам кесамиз. — Йўқ, фақат чап оёғини кесмак бўлди. Иккинчисини тўзалиб кетяди. — Мен сизга иккаласини ҳам кесилляшимиз керак деляман. — Майли, майли ҳамкасб, арзиманган нарсасга жанжаллашиб ўтирмайлик!

ИДИШ-ТОВОҚ ЮВИШДАН БОШ ТОРТГАН

Жарроҳ ҳамширадан сўрамоқда: — Бугун қанақа беморлар бор? — Иккита енгил жароҳат олганлар бор. Бирини эркак, иккинчисини аёл, иккаласини ҳам авария бўлишган. Бундан ташқари, яна бир оғир аҳволдаги эркакни келтиришляди. У уйда идиш-товоқ ювишдан бош тортган экан

Гулсевар ЯРМАТОВА тайёрляди.

Турфа хил олам

Акула нафси ҳақалак отган сув жонивори эканлигини яхши биламиз. У шунча-лик очкўз, нима тўғри келса, ютиб юбораверяди. The Times газетаси турли йилларда акулалар ошқозонидан топилаган нарсалар рўйхатини эълон қилди.

1821 йили денгизчилар акула тутиб, қорнини ёриб кўришганда икки донда доллар тангаси топилляди. Орадан икки йил ўтгач овланган акула ошқозонидан эса битта бутун кўйинчи калласи, қисқич-бақа оёқлари чиқяди. Ўша йили денгизчилар яна бир акула тутишляди. Буну қарангки, унинг қорнида олти футбол тўп ўқи бор экан.

1856 йили Янги Орлеанда чиқадиган газеталар шов-шувли бир хабарни тарқатляди. Унда айтилишляча, балиқ овловчилар ушлаган очкўз жонивор ошқозонидан одам жасди топилган.

«Ютландия» кемаси бортида юрган ғоз қаттиқ тўлқин пайтида йўқолиб қоляди. Орадан бироз вақт ўтгач, денгизчилар бир акулани тутиб ола-



ди ва унинг қорнини ёришляди. Не кўз билан кўришсинки, ғоз акула ошқозонидан мангу макон топилляди.

1922 йили овланган очкўз жонивор қорнидан денгиз тошбақаси чиқяди. Шуниси қизиқки, у хали тирик эди. Денгизчилар бу тошбақани Нью-Йоркдаги денгиз акварийумига топширишляди.

«Нэнси» кемасидаги чўчка қочиб денгизга тушиб кетяди. Кема атрофида хўрак излаб юрган акула уни ютиб юборяди. Бундан жадли чиққан матрослар бу очкўз махлуқни тутиб қорнини ёришляди. Буну қарангки, акула ошқозонидан чўчка билан бирга «Нэнси» кемасининг хужжатлари ҳам чиқяди. Кейин маълум бўлишляча, қаттиқ бўрун пайтида капитан хонасида турган хужжатлар сувга тушиб кетган ва уни акула ютиб юборган экан. Шундай қилиб, чўчка баҳонасида энг зарур хужжатлар сақлаб қолинади.

ЗИЛЗИЛА ВАҚТИ АНИҚЛАНДИ

Бир неча йил муқаддам археологик изланишлар натижасида денгиз остидаги лойқа қатламда ётган 1692 йилга оид соат топилди.

У 1686 йилда Блондел исми соатсоз томонидан ясалган бўлиб, Ямайкада 1692 йилнинг 7 июнида рўй берган зилзила вақтини аниқлашга ёрдам берди. Соатнинг қачон тўхтаганини аниқлаш мумкинми? Гап шундаки, соатнинг ойнаси йўқ бўлиб, зилзила пайтида кўтарилган оҳаки чанг унинг шиферблатига ўтириб қолган. Вақт ўтиши билан соат миллари емирилиб, йўқ бўлиб кетган. Аммо бу милларнинг изи соатдаги оҳак чангларидан ҳосил бўлган қатламга тушиб қолган. Рентген нурлари ёрдамида милларнинг ҳолати аниқлангач, кўҳна соат зилзила бошланган вақтни, яъни 11:43 ни аниқлаб берди.

Акбар АЛИЕВ тайёрляди.

Тиббиёт ажойиботлари

Хуррак фойдалими?

Тўғриси, хуррак отувчи кишилар ҳамма жойда ўзларини ноқулай ҳис этадилар.

Маълумотларга қараганда, ҳар саккиз кишидан бири хуррак тортади. Флоридада олиб борилган илмий тадқиқотлар шуну кўрсатляди, хурракка қарши тузуқроқ даво йўқ. Уни замонавий фармакологик воситалар, ҳатто гипноз ҳам йўқотолмайди.

Штуттаргтик профессор Фриц Холлинг фикрича, хуррак отган киши диққинафас чигалликлардан фориғ бўлар экан.

Ётишда ҳам хислат бор

Француз шифокорларининг тадқиқотларига қараганда, одамнинг қандай ётуб ухляшига қараб, кўп нарсани аниқласа бўляди. Масалан, киши ётуби қандай ётуб ухласа, у ўз ишларидан мамнун эмас. Чалқанча, қафтлари узра бошини қўйиб ухляш ўз ҳаётидан мамнунлик ифодасини билдиляди. Букчайиб, ётишнинг кўчоқлаб ухлаган одам тушқуниликка тушган, кайфияти яхши эмас. Етганида бошини чойшаб ёки кўрпа билан буркаб олганлар эса орзу-умидлардан ажралган кишилардир.

Маннон НАБИЕВ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви жамғарманин Бухоро вилояти бўлими раиси Бекбулд Жумаева синглиси

Момогул ЖУМАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилляди